

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ИСМАИЛОВ ЗОХИДЖОН НУРМАНОВИЧ

**ПЕРИФЕРИК АСАБ ТИЗИМИ ПАТОЛОГИЯСИ БЎЛГАН
БОЛАЛАРНИНГ КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯСИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата доктора медицинских наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of medical sciences (DSc)

Исмаилов Зоҳиджон Нурманович

Периферик асаб тизими патологияси бўлган

болаларнинг комплекс реабилитацияси 3

Исмаилов Зоҳиджон Нурманович

Комплексная реабилитация детей с патологией

периферической нервной системы 27

Ismailov Zohidjon Nurmanovich

Complex rehabilitation of children with

peripheral nervous system pathology 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ИСМАИЛОВ ЗОХИДЖОН НУРМАНОВИЧ

**ПЕРИФЕРИК АСАБ ТИЗИМИ ПАТОЛОГИЯСИ БЎЛГАН
БОЛАЛАРНИНГ КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯСИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2.DSc/Tib853 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мирджураев Элбек Миршавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саидазизова Шахло Хибзиддиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Раимова Малика Мухамеджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Дьяконова Елена Николаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

Россия Федерациясининг Ульянов давлат университети

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.30.12.Tib.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.И.Хамрабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.А.Аликулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳаракат бузилишлари бўлган беморларнинг реабилитацияси – замонавий тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, беморларнинг ҳаёт сифатига сезиларли салбий таъсир қилади ва ҳаракат патологияси ногиронликнинг асосий сабаби ҳисобланади. Охирги йиллари болалик даврида асаб тизимининг зарарланишлари сабабли юзага келувчи ҳаракат бузилишлари частотаси ортиб бормоқда, оғир ҳаракат бузилишларига периферик асаб тизими (ПАТ)нинг касалликлари ўз ҳиссасини сезиларли даражада қўшмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, “100000 умумий аҳоли сонига 2400 дан 7000 нафаргача бўлиб (минтақага боғлиқ), беморларнинг ёши улғая борган сари 8000 нафар беморни ташкил қилади”¹. Болалик давридаги периферик асаб тизими касалликлари ҳам орттирилган, ҳам ирсий касалликларни ўз ичига олиб, улар ҳаракатнинг енгил ўзгаришлардан, то қўпол бузилишларга сабаб бўлиши мумкин, бу эса ногиронлик кўрсаткичларининг ортишига, иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлади.

Жаҳон миқёсида турли сабабли юзага келувчи периферик асаб тизими касалликлар (ПАТК)ини ўз вақтида ташҳислаш, даволаш ва реабилитация чораларини мукамаллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада болалик давридаги периферик асаб тизими касалликларида асоратларни эрта аниқлаш, уларни қиёсий ташҳислаш, неврологик асоратлар ривожланишининг патогенетик механизмларини, патоморфологик ўзгаришларни ва нейротоксик асоратларни цитогенетик, молекуляр-генетик таҳлиллар асосида ташҳислашга замонавий ёндашиш ҳамда беморларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларни эрта олдини олиш ҳамда реабилитация чораларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Болалик давридаги периферик асаб тизими касалликлари асоратларини клиник ва патогенетик жиҳатларини аниқлаш асосида эрта ташҳислаш, қиёсий ташҳислаш ва реабилитацияга ёндашувни такомиллаштириш кабилар ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва қўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича соғлиқни сақлаш тизимида кенг қўламли ва мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, болаларда периферик асаб тизими касалликларини эрта аниқлаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш, ҳаёт сифати даражасини ошириш, комплекс реабилитациясини

¹ ЖССТ ҳисоботи, 2019 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

беморларнинг нейро-мотор ва психо-эмоционал тизим функционал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Периферик асаб тизими патологияси бўлган болаларнинг комплекс реабилитацияси масалаларини муқобиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Johns Hopkins Hospital – Peripheral Nerve Center (АҚШ); Boston Childrens Hospital (АҚШ); Texas Childrens Hospital (АҚШ); Cincinnati Childrens Hospital Medical Center (АҚШ); University of Texas Medical Branch (АҚШ); SickKids - The Hospital for Sick Children (АҚШ); University of Vermont, Burlington (АҚШ), RWTH Aachen University Hospital (Германия), Institute of Child Health (Буюк Британия); Rigshospitalet (Германия); Hospital Pediatric Sant Joan de Deu (Испания); Osaka Womens and Childrens Hospital (Япония); Санкт-Петербург Педиатрия тиббиёт университети (Россия); Болалар Миллий Марказида (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Периферик асаб тизими патологияси бўлган болаларнинг комплекс реабилитацияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар: алоҳида ирсий мотор-сенсор нейропатиялардан ташқари, асосан марказий асаб тизимининг зарарланиши симптомлари билан намоён бўлувчи мураккаб нейрометаболик ва нейродегенератив касалликларда ҳам периферик нервларнинг зарарланишини аниқлаш мумкинлиги исботланган ва периферик асаб жароҳатланиши, брахиал плексус диагностикаси, жарроҳлик, реабилитациясига ёндашув оптималлаштирилган (Johns Hopkins Hospital – Peripheral Nerve Center, Флорида); Гийен-Барре синдроми, сурункали яллиғланишли демиелинизацияланувчи полинейропатия ва бошқа яллиғланишли радикулопатияларда орқа мия МРТқалинлашуви ва контраст кучайиши аниқланди, болаларда периферик нейропатия, нейромускуляр касалликлар реабилитацияси, VR ва роботик терапия алгоритми таклиф

³ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: www.stjude.org; www.dana-farber.org; www.mcw.edu; www.ufl.edu; www.harvard.edu; www.uvm.edu; www.charite.de; www.ucl.ac.uk/child-health; www.rigshospitalet.dk; www.fnkc.ru; www.bmtm.uz; www.bgokim.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

этилди (Boston Childrens Hospital, АҚШ); витаминлар алмашинуви бузилиши ҳам нейропатияга сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланди, қон зардобиди витамин D (Ca, P, паратгормон), витамин E, K, фолий кислотаси, B12, B6 миқдори баҳоланди ва айнан B6 миқдорининг ортиши ҳам нейропатияга олиб келиши исботланган, ОВРР эрта баҳолаш ва мултидисциплинар реабилитация таклиф этилган (Hospital Pediatric Sant Joan de Deu, Испания); нейромушак патологияси, яъни нерв-мушак аппаратининг муайян анатомик тузилмаларига шикаст етиши, ҳам туғма, ҳам орттирилган бўлиши исботланган (King George Medical University, Ҳиндистон); яна бир тадқиқот периферик нейропатияни номедикаментоз даволаш тактикасини белгилашда электромиография (ЭМГ) маълумотлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар орқали периферик асаб шикастланишининг тури (аксонал, демиелинизирловчи, аралаш) ва беморнинг вегетатив ҳолати аниқланган (St. Jude Children's Research Hospital, АҚШ); нерв-мушак тўқимаси метаболизмни яхшилаш мақсадида торфот, биосед, гумизоль, B1 ва B6 витаминлари ишлатилиши касаллик оқибатини яхшиланишига олиб келиши исботланган (Charité University Hospital, Германия); 145 нафар бола иштирок этган тадқиқот шунга ишора қиладики, оғриқ камайиши оғриқдан кўрқувни пасайтириб, бу эса ўз навбатида депрессияни камайтириб, шикастланган оёқ фаоллигини оширган. Бу эса, ўз навбатида, болаларда ҳам жисмоний, ҳам психоэмоционал реабилитацияни олиб бориш зарурлигини кўрсатади (Institute of Child Health, Буюк Британия); реабилитацион тадбирлар имконият борица эрта — иложи бўлса, госпиталгача ёки эрта стационар босқичда бошланиши ва кейин амбулатор, санаторий ва уй шароитида давом этиши кераклиги, бундай узок муддатли дастурларнинг самарадорлиги илмий изланишларда тасдиқланган бўлиб, улар ҳаракат, когнитив ва ижтимоий кўникмаларни яхшиланишини намоён этган (Санкт-Петербург Педиатрия тиббиёт университети, Россия); ўткир лейкозли болаларда даволашни оптималлаштириш ёрдамида ўлим ҳолатларини камайтириш, инфекцион асоратларни олдини олиш ва инвалидизация даражасини камайитириши аниқланган (Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида периферик асаб тизими патологияси бўлган болаларнинг комплекс реабилитацияси бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: болаларда периферик асаб тизими касалликларининг комплекс реабилитациясини беморларнинг нейро-мотор ва психо-эмоционал тизим функционал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, реабилитациядан кейинги даврда болаларнинг функционал ва неврологик ҳолати, психо-эмоционал барқарорлиги ва ижтимоий-таълимий интеграциясини ишлаб чиқиш устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилиши шулар жумласидандир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шу вақтга қадар периферик асаб тизими касалликларнинг этиологик омиллари, уларни ривожланишида роль ўйновчи патофизиологик механизмлар, уларни олдини олиш ва даволаш чоралари, реабилитация масалаларига катта эътибор берилган. ПАТ касалликлари мултидисциплинар – нейрофизиологик, биокимёвий, иммунологик, микрохирургик, ортопедик, нейрохирургик генетик ёндошувни талаб қилади. Фан ва техника ривожланиши янги ташхислаш, даволаш ва

реабилитация усуллари ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этишни тақозо этади. Периферик асаб тизимининг турли соҳада зарарланишларига сабаб бўлувчи этиологик ва патогенетик омилларни ўрганишга бир қатор илмий ишлар бағишланган, шу жумладан, туннел нейропатиялар (В.Ф.Росио, 2016; А.А.Скоромец, 2015), жароҳат натижаларида ривожланувчи травматик нейропатиялар ва плексопатиялар (А.Н.Белова, 2018; J.G. McHugh, 2019; К.Т. Brizzi, J.L. Lyons, 2014), моддалар алмашинуви касалликларида юзага келувчи нейропатиялар (F.Cameron, 2019; R.Migita, 2019; G.Akinci, M.G.Savelieff, 2021), митохондриал дисфункция асосида ривожланувчи наслий ва спорадик нейропатиялар (P.F. Chinnery, 2020; G. Hudson, 2019) ва инфекцион касалликлардаги нейропатиялар (М.М. Одинак, 2009; J.E.Lin, A.Asfour, 2021; P.Brand, C.P.Cejas, A.D.Rivero, 2022), турли токсик моддаларнинг таъсири ва айрим дори препаратларнинг таъсири натижасида юзага келувчи нейропатиялар шулар жумласидан. Бу касалликларни ташхислашнинг имкониятлари кенгайиб бормоқда, нафақат клиник текширувлар, балки классик электронейрофизиологик усул бўлмиш электронейромиография билан бир қаторда (Е.Н.Селянина, 2001), нерв устунларида структурвий ўзгаришлар сабабини аниқлаш мақсадида ультратовуш (Jozef J.R., DiPietro M.A., 2014; Н.Н. Choudur, 2021; Э.Ю.Малецкий, 2017) ва магнит-резонанс томографияси (Alba Sulaj, 2022), периферик магнит стимуляций (Groppa et al., 2012; Lefaucheur et al., 2014; Matsumoto et al., 2013) усули ёрдамида ташхислаш масалалари ўрганилиши давом этмоқда. Нейропатияларнинг этиологияси ва патогенетик механизмларининг турлича бўлиши бу касалликларни даволаш ва реабилитациясига ўзгача ёндошувни талаб қилади. Шу сабабли ПАТКининг этиологияси, патогенетик хусусиятларини назарда тутган ҳолда даволаш ва реабилитация чораларини мукаммаллаштириш бўйича илмий тадқиқот ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асаб касалликларида қон-томир, яллиғланиш, дегенератив ва наслий нерв-мушак касалликларининг патогенетик хусусиятлари» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (2020–2023 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда периферик асаб тизими касалликларининг комплекс реабилитациясини беморларнинг нейро-мотор ва психо-эмоционал тизим функционал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

периферик асаб тизими касалликлари бўлган болаларда касалликнинг этиологик омилларидан келиб чиққан ҳолда нейромотор тизимнинг функционал ҳолатини клиник-неврологик, антропометрик ва электронейромиографик усуллар ёрдамида комплекс баҳолаш;

патологик жараённинг патогенетик хусусиятлари ва касалликнинг клиник босқичларига боғлиқ ҳолда реабилитацион тадбирларнинг дифференциаллаштирилган мажмуасини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган реабилитация дастурининг самарадорлигини касалликнинг клиник динамикаси, нейрофизиологик кўрсаткичларнинг

ўзгариши ва функционал шкалалар бўйича объективлаштирилган ҳолда баҳолаш;

реабилитация жараёнининг беморларнинг психо-эмоционал ҳолати ва ҳаёт сифатига таъсирини динамикада мониторинг қилиш ва улар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;

ҳалқаро фаолият, ҳаракатланиш чекловлари ва соғлиқ классификацияси (ICF-CY) асосида болаларнинг индивидуал реабилитацион профилини шакллантириш ва психодиагностик шкалаларнинг клиник амалиётдаги ишончлилигини ҳамда диагностик қийматини статистик жиҳатдан асослаш;

реабилитациядан кейинги даврда болаларнинг функционал ва неврологик ҳолати, психо-эмоционал барқарорлиги ва ижтимоий-таълимий интеграциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликларини реабилитация қилиш марказида периферик асаб тизими ва периферик мотонейрон касалликларининг оқибатлари ташхисланган 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган 212 нафар бемор болалар, назорат гуруҳини эса 20 нафар соғлом болалар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети периферик асаб тизими касалликлари бўлган болаларда анамнестик-этиологик омиллар, клиник-неврологик статус, нейро-ортопедик асоратлар, электронейромиографик кўрсаткичлар, психо-эмоционал ҳолат ва ҳаёт сифатининг динамикаси, шунингдек, ишлаб чиқилган комплекс реабилитация тадбирларининг самарадорлик мезонлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Клиник-неврологик статусни баҳолаш, House-Brackmann ва Yanagihara-system шкалалари, MRC ва INCAT шкалаларини олган, оғриқ даражаси Вонг-Бейкер ва ВАШ шкалалари, антропометрия усуллари – елка-билак ва сон-болдир индекслари ҳисобланди, электрофизиологик усуллар (ЭНМГ ва ЭМГ), психодиагностика (RCADS-25 ва SDQ) усуллари, ҳаёт сифатини баҳолаш учун Peds QL 4.0 шкаласи ҳамда статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болалар периферик асаб тизими касалликларида нерв толалари зарарланишининг этиопатогенетик тури (аксонал, демиелинизацияланувчи, аралаш) ва оғирлик даражасига асосланган регенерация жараёнини прогнозлаш имконини берувчи ЭНМГ-коэффициенти ишлаб чиқилган;

периферик асаб тизими патологияси бўлган болаларда хавотирлик-депрессив спектрдаги ўзгаришлар неврологик дефицитнинг оғирлиги, касаллик давомийлиги ва патоморфологик жараённинг диффуз тарқалиши (полиневропатияларда) билан тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган;

илк бор периферик асаб тизими касалликлари бўлган болаларда нейрофизиологик йўналтирилган физик муолажалар, когнитив-хулқ-атвор терапияси, гуруҳли ва оилавий психокоррекцияни киритиш орқали мултидисциплинар реабилитацияга дифференциаллаштирилган ёндашув оптималлаштирилган;

полиневропатия (Гийен-Барре синдроми) ўтказган болалар юқори хавф тоифасини ташкил этиб, уларда эмоционал дистресс, гиперактивлик/диққат танқислиги ва ижтимоий изоляция даражаси мононейропатияли беморларга нисбатан юқори сақланиб қолиши ҳамда просоциал кўникмалар ва эмоционал регуляциянинг нисбий ўсиши кузатилиб, психологик модулни

интенсивлаштириш шароитида сақланган адаптацион резерв мавжудлиги исботланган;

периферик асаб тизими патологияси бўлган болалар реабилитациясининг самарадорлик клиник маркери сифатида эмоционал доменнинг яхшиланишига қаратилган мотор-нейрофизиологик кўрсаткичлар, рухий-эмоционал барқарорлик ва мактаб/ижтимоий интеграция даражаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

реабилитация курсининг давомийлиги ва интенсивлигини режалаштиришда объектив мезон сифатида хизмат қилувчи нерв толалари зарарланишининг оғирлик даражасига қараб тикланиш прогнозини аниқлаш учун ЭНМГ-коэффициенти ҳисоблаш усули таклиф этилди;

периферик асаб тизими касалликлари бўлган беморларга ҳаракат фаолиятини яхшилаш мақсадида “АКТИВ-PLEX” (009346), “АКТИВ+” (009347), “АКТИВ-LFK” (009348) реабилитация усуллари ишлаб чиқилган;

периферик асаб тизими касалликлари бўлган болаларда психо-эмоционал бузилишларни коррекция қилиш учун когнитив-хулқ-атвор терапияси, гуруҳли/оилавий психотерапияни ўз ичига олган мултидисциплинар протокол ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган “Периферик нерв тизими касалликлари билан оғриган беморларнинг “PERINEURO MOBILE APPLICATION” миллий регистри (№ BGU 20240296), шифокорлар ва беморлар учун тиббий реабилитациянинг самарасини баҳолаш ва назорат қилиш имконини берувчи “Peri-RemEX” мобил иловаси таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги замонавий клиник, неврологик, нейро-ортопедик, инструментал тадқиқот усуллари қўлланилганлиги, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўрганилган клиник материал сонининг етарлилиги, тадқиқот натижаларини клиник ва неврологик параллеллари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, барча маълумотлар натижалари замонавий компьютер технологиясини қўллаган ҳолда оптимал статистик таҳлил усуллари қўлланилгани, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти периферик асаб тизими касалликлари бўлган болалардаги психо-эмоционал бузилишлар (хавотирлик-депрессив спектр) ва ҳаёт сифатининг пасайиш механизмлари, неврологик дефицит даражаси (MRC, House-Brackmann, INCAT шкалалари) билан интернализацияловчи бузилишлар ўртасидаги кучли корреляцион боғлиқлик аниқланиб, бу ўзгаришларнинг нафақат иккиламчи психоген реакция, балки органик-нейрофизиологик асосга эга эканлиги асосланган. ЭНМГ-коэффициенти орқали нерв толаларининг тикланиш прогнозини объектив баҳолаш модели ишлаб чиқилиши ҳамда реабилитацияга комплекс ёндашув оптималлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, кенг қамровли клиник-инструментал текшириш ва валидацияланган психодиагностик асбоблар, ЭНМГ-мониторингга таянган ҳолда амалга оширилган дифференциаллаштирилган реабилитация чоралари касалликнинг

оғир нейроортопедик асоратларини вақтида аниқлаш ҳамда уларни профилактика қилиш, мултидисциплинар дастур бемор болаларнинг ҳаёт сифатини ишончли яхшилаши, болаларнинг жамиятдаги ижтимоий, жисмоний ва психологик мослашувини таъминлаш ҳамда реабилитацион маршрутларни персоналлаштириш орқали амалий соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Периферик асаб тизими патологияси бўлган болаларнинг комплекс реабилитациясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: болалар периферик асаб тизими касалликларида нерв толалари зарарланишининг этиопатогенетик тури (аксонал, демиелинизацияланувчи, аралаш) ва оғирлик даражасига асосланган регенерация жараёнини прогнозлаш имконини берувчи ЭНМГ-коэффициенти ишлаб чиқилган ва ушбу коэффициент регенерация жараёнини объектив прогнозлаш имконини берганлиги бўйича таклифлар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 6 декабрдаги 03/138-сон маълумотномаси билан тасдиқланган “Болаларда периферик нерв тизими касалликлари диагностика усулларини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси амалиётга 22.02.2025 йилда чиққан 30-сонли буйруқ, ҳамда У.К.Қурбонов номли республика болалар психоневрологик шифохонаси бўйича 04.02.2025 йилда чиққан 36-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 2 июндаги 09/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* нерв зарарланиши даражасини аниқ баҳолаш орқали реабилитация курсининг давомийлиги ва интенсивлигини беморнинг индивидуал ҳолатига мослаштириш имконияти яратилди, бу иккиламчи асоратлар ва болалардаги психологик юкламани камайтиради, нейромотор функцияларни тиклаш суръатини тезлаштириб, беморларнинг ижтимоий ва таълим фаоллигини барқарорлаштиради. *Иқтисодий самарадорлик:* ЭНМГ-коэффициенти асосида дифференциаллаштирилган прогноз моделини қўллаш кераксиз қўшимча инструментал текширувлар, самарасиз узун давомий реабилитация курслари ва стационар даволаш эҳтиёжини қисқартириш ҳисобига тиббиёт муассасалари ресурсларини мақсадли тақсимлаш имконини берди. Реабилитация самарадорлиги мониторинги оптималлаштирилганлиги сабабли даволаш-тиқлов жараёнининг умумий молиявий юкламаси камайтирилган. *Хулоса:* ЭНМГ-коэффициенти асосида ишлаб чиқилган дифференциал прогноз моделини клиник амалиётга жорий этиш 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини ўртача 142 500 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: периферик асаб тизими патологияси бўлган болаларда хавотирлик-депрессив спектрдаги ўзгаришлар неврологик дефицитнинг оғирлиги, касаллик давомийлиги ва патоморфологик жараённинг диффуз тарқалиши (полиневропатияларда) билан тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган бу тегишли руҳий-коррекцион услубларни дифференциал танлаш психологик муаммоларни чуқурлашувининг олди олинганлиги бўйича таклифлар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 6 декабрдаги 03/138-сон маълумотномаси билан

тасдиқланган “Болаларда периферик нерв тизими касалликлари диагностика усулларини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси амалиётига 22.02.2025 йилда чиққан 30-сонли буйруқ, ҳамда У.К.Қурбонов номли республика болалар психоневрологик шифохонаси бўйича 04.02.2025 йилда чиққан 36-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 2 июндаги 09/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* психоэмоционал ҳолатни эрта скрининг қилиш ва дифференциал психокоррекция ўтказиш болалардаги хавотирли-депрессив симптомларни ишончли камайтириш, оилавий муҳитдаги эмоционал барқарорликни таъминлаш ва тенгдошлар муҳитига интеграциялашни тезлаштиришга хизмат қилди. Реабилитациянинг психологик модулини жорий этиш беморларнинг ўзига ишончини ошириб, ижтимоий изоляция, стигматизация ва иккиламчи психоген асоратлар хавфини сезиларли даражада камайтирди. *Иқтисодий самарадорлик:* RCADS-25 ва SDQ шкалалари ёрдамида реабилитация маршрутларини стратификация қилиш кераксиз қўшимча психиатрик консултациялар ва узун давомий стационар даволаш эҳтиёжини камайтирди. Амбулатор шароитда самарали психокоррекция ва медикаментоз қўллаб-қувватлаш ўтказиш ҳисобига даволаш-реабилитация жараёнининг умумий молиявий юкламаси оптималлаштирилган. *Хулоса:* комплекс психореабилитацияни жорий этиш 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 185 200 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: илк бор периферик асаб тизими касалликлари бўлган болаларда нейрофизиологик йўналтирилган физик муолажалар, когнитив-ҳулқ-атвор терапияси, гуруҳли ва оилавий психокоррекцияни қиритиш орқали мултидисциплинар реабилитацияга дифференциаллаштирилган ёндашув оптималлаштирилганлиги бўйича таклифлар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 6 декабрдаги 03/138-сон маълумотномаси билан тасдиқланган “Болаларда периферик нерв тизими касалликлари даволаш усулларини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси амалиётига 22.02.2025 йилда чиққан 30-сонли буйруқ, ҳамда У.К.Қурбонов номли республика болалар психоневрологик шифохонаси бўйича 04.02.2025 йилда чиққан 36-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 2 июндаги 09/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* болаларнинг функционал, ижтимоий ва эмоционал имкониятларини комплекс баҳолаш имкони яратилди ва реабилитация жараёни нафақат мотор функцияларни тиклашга, балки боланинг жамиятга тўлиқ интеграциясига, тенгдошлар муҳитига мослашувига ва оилавий муҳитдаги психологик барқарорликка қаратилди. *Иқтисодий самарадорлик:* реабилитацион потенциални дастлабки стратификация қилиш ва психометрик скрининг асосида даволаш йўналишларини индивидуаллаштириш орқали тиббий ресурсларни мақсадли тақсимлашга эришилди. Юқори хавф гуруҳига кирган беморларга интенсификациялашган кўп босқичли ёрдам кўрсатиш, паст хавф гуруҳида эса амбулатор мониторинг ва қисқа курсларни қўллаш ҳисобига стационар даволаниш эҳтиёжи ва

нотўғри йўналтирилган муолажалар сони камайди, бу эса тиббиёт муассасаларининг молиявий юкламасини оптималлаштирди. *Хулоса:* психометрик шкалалар комплексини клиник амалиётга жорий этиш ҳамда дифференциаллаштирилган мултидисциплинар реабилитацияни тадбиқ этиш 1 нафар бемор учун реабилитация харажатларини 118 400 сўмга тежаш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: полиневропатия (Гийен-Барре синдроми) ўтказган болалар юқори хавф тоифасини ташкил этиб, уларда эмоционал дистресс, гиперактивлик/диққат танқислиги ва ижтимоий изоляция даражаси мононейропатияли беморларга нисбатан юқори сақланиб қолиши ҳамда просоциал кўникмалар ва эмоционал регуляциянинг нисбий ўсиши кузатилиб, психологик модулни интенсивлаштириш шароитида сақланган адаптацион резерв мавжудлиги бўйича таклифлар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 6 декабрдаги 03/138-сон маълумотномаси билан тасдиқланган “Болаларда периферик нерв тизими касалликлари даволаш усулларини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси амалиётга 22.02.2025 йилда чиққан 30-сонли буйруқ, ҳамда У.К.Қурбонов номли республика болалар психоневрологик шифохонаси бўйича 04.02.2025 йилда чиққан 36-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 2 июндаги 09/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* полиневропатия ўтказган болаларни алоҳида мониторинг гуруҳига ажратиш орқали улардаги ижтимоий чеклаш, тенгдошлар билан муносабат муаммолари ва диққат-гиперфаоллик белгиларини эрта аниқлаш имкони яратилди. Психологик модулни интенсивлаштириш беморлардаги эмоционал дистрессни пасайтириб, мактаб муҳитига интеграциялаш тезлаштирилди ва иккиламчи психоген асоратлар хавфи сезиларли камайди. *Иқтисодий самарадорлик:* хавф даражасига қараб стратификация қилиш орқали реабилитация ресурслари мақсадли тақсимланди. Юқори хавф гуруҳида психологик қўллаб-қувватлаш курсларини ўз вақтида ва мақсадли ўтказиш нотўғри даволаш тактикаларини, узок муддатли стационар даволанишни ва такрорий госпитализацияларни камайтирди. Адаптацион резервни фаоллаштириш реабилитация самарадорлигини ошириб, умумий даволаш харажатларини оптималлаштирди. *Хулоса:* полиневропатия ўтказган болалар учун дифференциал психореабилитация алгоритмининг жорий этиш 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 135 800 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

бешинчи илмий янгилик: периферик асаб тизими патологияси бўлган болалар реабилитациясининг самарадорлик клиник маркери сифатида эмоционал доменнинг яхшиланишига қаратилган мотор-нейрофизиологик кўрсаткичлар, руҳий-эмоционал барқарорлик ва мактаб/ижтимоий интеграция даражаси асосланганлиги бўйича таклифлар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 6 декабрдаги 03/138-сон маълумотномаси билан тасдиқланган “Болаларда периферик нерв тизими касалликлари даволаш усулларини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли

клиникаси амалиётига 22.02.2025 йилда чиққан 30-сонли буйрук, ҳамда У.К.Қурбонов номли республика болалар психоневрологик шифохонаси бўйича 04.02.2025 йилда чиққан 36-сонли буйруклари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 2 июндаги 09/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик*: реабилитация самарадорлигини баҳолашда фақат мотор кўрсаткичларга эмас, балки боланинг эмоционал ҳолати, мактабдаги фаолияти ва ижтимоий мослашувига комплекс ёндошиш жорий этилди. Бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини объектив мониторинг қилиш, психологик тўсиқларни ўз вақтида бартараф этиш ва боланинг жамиятга тўлиқ интеграцияси учун зарур шароит яратишга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлик*: комплекс баҳолаш тизимини жорий этиш реабилитация йўналишларини индивидуаллаштиришга, самарасиз жисмоний муолажалар сони камайтиришга ва психологик коррекцияни мақсадли ўтказишга имкон берди. Эмоционал доменнинг яхшиланиши реабилитация давомийлигини қисқартириб, стационар шароитидаги даволаниш харажатларини камайтирди ва амбулатор мониторинг самарадорлигини оширди. *Хулоса*: PedsQL 4.0 асосидаги комплекс мониторинг тизимини клиник амалиётга жорий этиш 1 нафар бемор учун даволаш-реабилитация харажатларини 108 500 сўмга тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 7 таси халқаро анжуманда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, 6 боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 193 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, ишнинг мақсад-вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқот республикада илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тўлиқ мос келиши кўрсатилган, унинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг назарий-амалий қиймати очиб берилган.

Диссертациянинг **“Болаларда периферик асаб тизими касалликларининг этиологияси, патогенези, замонавий диагностика ва даволаш усуллари, реабилитация ва абилитацияси (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида ПАТКни келтириб чиқарувчи этиологик омиллар, асаб толаларининг тикланиш механизмлари, ПАТКни ташҳислашнинг замонавий усуллари, ҳозирги вақтда қўлланиладиган реабилитация чоралари, доривор ва нодоривор усуллар, жумладан,

физиотерапия усуллари ёритилган, реабилитация чоралари танлашда комплекс ёндошув зарурлиги асосланиб берилган.

Диссертациянинг “**Периферик асаб тизими патологияси бўлган болаларнинг комплекс реабилитацияси бўйича тадқиқот материали ва усуллари**” деб номланган иккинчи бобида клиник материалга умумий тавсиф берилган ва беморларга қўлланилган тадқиқот усуллариининг баёни келтирилган. Диссертация тадқиқоти 2019-2024 йилларда “Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация маркази”да амалга оширилди. Тадқиқот материални 212 нафар 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ташкил этган. Уларнинг 109 (51,4%) нафарини ўғил болалар ва 103 (48,6%) нафарини қиз болалар ташкил этган. Уларнинг ўрта ёши $9,55 \pm 0,26$ ёш бўлган. Касалликнинг давомийлиги беморларда ўртача $4,6 \pm 0,29$ йилни ташкил қилган.

1-жадвал

Беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши

Ёши	ўғил болалар		қиз болалар		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
3 ёш	1	0,92	8*	7,8	9	4,25
4-7 ёш	28	25,69	38	36,9	66	31,13
8-14 ёш	62	56,88	48	46,6	110	51,89
15-17 ёш	18	16,51	9	8,7	27	12,73
Ҳаммаси	109	51,4	103	48,6	212	100

Изоҳ: * - беморлар ёши бўйича статистик аҳамиятли фарқ қилган $\chi^2=11,97$; $df=3$; $p<0,01$.

Устунлик қилувчи синдромларга мувофиқ равишда беморлар гуруҳларга бўлинди: I гуруҳ - 48 (22,7%) нафар юз нерви невропатияси, 1 (0,47%) нафар мия устуни энцефалити Мийяр-Гублер синдроми ва 1 (0,47%) нафар туғма аномалия Мебиус синдроми билан касалланган ва 2 (0,94%) нафар юз нервини туғруқ травмаси натижасида жароҳатланиш ўтказган болалар, уларнинг ўртача ёши $8,35 \pm 0,46$ ёш, касалликнинг давомийлиги $1,7 \pm 0,15$ йил, уларнинг 23 (44,2%) нафари ўғил болалар ва 29 (55,8%) нафари қиз болалар.

II гуруҳ - туғруқ травмаси асорати елка чигали плексопатияси (39; 18,39%), орттирилган травма натижасида юзага келган плексопатия (3; 1,42%) ва травма натижасида қўлнинг кўплаб нервлари моноевропатияси (9; 4,25%) бўлган беморлар. Уларнинг ўртача ёши $10,34 \pm 0,54$ ёш, касалликнинг давомийлиги $8,68 \pm 0,64$, уларнинг 28 (54,9%) нафари ўғил болалар ва 23 (45,1%) нафари қиз болалар.

III гуруҳ - кичик болдир ва ўтирғич нерви, сон нерви невропатияси бўлган 62 (29,2%) беморлар ХКТ-10га мувофиқ бир гуруҳга киритилди – G57 – оёқ нерви моноевропатияси. Беморларнинг ўртача ёши $10,8 \pm 0,51$ ёш, касалликнинг давомийлиги $5,42 \pm 0,51$ йил, гуруҳда ўғил болалар – 38 (61,3%) ва қиз болалар 24 (38,7%) ни ташкил қилган.

IV гуруҳ - 47 (22,18%) нафар ўткир полирадикулоневропатия ўтказган беморлар (Гийен-Барре синдроми), уларнинг ўртача ёши $8,34 \pm 0,5$ ёш,

касалликнинг давомийлиги $2,81 \pm 0,39$ йил, уларнинг 20 (42,6%) нафари ўғил болалар ва 27 (57,4%) нафари қиз болалар.

ПАТКлари билан касалланган болаларда комплекс реабилитация самарадорлигини баҳолаш доирасида кўп босқичли ёндошув қўлланилди. Юз мушакларининг фаолияти метрик шкала, House-Brackmann ва Yanagihara-system шкалалари ёрдамида ўрганилди. Қўл ва оёқларидаги бўғимларда ҳаракат ҳажмига, патологик ҳолатларига эътибор берилди, парезнинг даражаси MRC шкаласи ёрдамида ўлчанди, қўл ҳажми елка-билак ва оёқ ҳажми сон-болдир индекси ёрдамида баҳоланди. Болаларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини баҳолаш болаларда ташвиш ва депрессияни баҳолаш қайта кўриб чиқилган шкала (RCADS-25- revised child anxiety and depression scale), Боланинг қийинчиликлари ва кучли жиҳатларини баҳолаш шкаласи (Strengths and Difficulties Questionnaire, SDQ) ёрдамида амалга оширилди. 8 ёшгача болаларга бу шкалаларнинг ота-она шакли тўлдирилди. Касалликни беморнинг ҳаёт сифатига таъсири ҳаёт сифатини баҳолаш шкаласи (Quality of Life Scale (PedsQL 4.0 Generic Core Scales)) ёрдамида амалга оширилди. 3-7ёшли болалар учун ота-она шакли ишлатилди. Беморларнинг юз мушаклари электромиография, оёқ ва қўлларидаги нервларнинг фаолияти электронейромиография ёрдамида текширилди. Олинган натижалар Statistical Package for Social Sciences-22 (SPSS, IBM, USA) ва Excel 2016 дастурий мажмуаси ёрдамида статистик таҳлилдан ўтказилди.

Диссертациянинг **“Периферик асаб тизими касалликларида беморларнинг антропометрик, клиник-неврологик ва электронейромиографик текширув натижалари”** деб номланган учинчи бобида беморларнинг асосий шикоятлари, касалликнинг клиник кўриниши ҳамда электронейромиографик (ЭНМГ) кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Метрик шкала бўйича юз асимметрияси ўлчанганда тинч ҳолатда соғ тарафга нисбатан $19,4 \pm 2,3\%$ ни, мимик синамаларни бажарганда эса $28,2 \pm 5,7\%$ ни ташкил қилган. Кўп ҳолатларда оғизнинг айланма мушаклари ва кўзнинг айланма мушаклари ҳисобига юз асимметрияси кузатилган. Касалликнинг давомийлиги ва асимметрия даражаси ўртасида тўғри ўрта кучли корреляцион боғлиқлик аниқланган ($r=0,69$; $p<0,005$). House-Brackmann шкаласи ва касалликнинг давомийлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик статистик ишонарли бўлган ($r=0,73$; $p<0,001$). Yanagihara system шкаласи бўйича мимик мушаклари функцияси баҳоланганда ўртача $22,6 \pm 1,08$ баллни ташкил этган. Юз мушакларининг контрактураси кузатилган беморларда касалликнинг давомийлиги 4 йил ва ундан кўп бўлган, касаллик оғир кечган беморлар ва юз нервининг туғма травмаси, мия устунни энцефалити ва Мебиус синдроми бўлган беморларда аниқланган. Электромиографик тадқиқот натижасида беморларда m.frontalis биоэлектрик фаоллик (БЭФ) амплитудаси соғлом тарафда $26,4 \pm 1,9$ мкВ, парез тарафда $16,4 \pm 0,9$ мкВ статистик ишонарли фарқ қилган ($p<0,05$), назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $22,8 \pm 1,2$ мкВни ташкил этган, парез тараф билан фарқи статистик ишонарли ($p<0,005$), соғлом тараф билан эса ишонарли фарқ аниқланмади (2-жадвал).

Беморларда ва назорат гуруҳида мимик мушакларнинг биоэлектрик фаоллиги

Текширилган мушак	Прозопарез бўлган беморлар (n=52)		Назорат гуруҳи
	Парез тараф	Соғлом тараф	
M.frontalis, мкВ	16,4±0,9 ^{^^}	26,4±1,9*	22,8±1,2
M.orbicularis oculi, мкВ	19,5±1,5 [^]	29,1± 1,1**	26,1±0,9
M.orbicularis oris, мкВ	18,5±1,7 [^]	27,5±1,1*	24,2±1,2

Изох: парез ва соғлом тарафдаги фарқ Р қийматларида статистик ишонарли: <* - 0,05; ** - 0,005; назорат гуруҳи ва парез тарафдаги фарқ ^ - 0,05; ^^ - 0,005.

Мия устунни энцефалити асорати ва Мебиус синдроми кузатилган 2 нафар беморларда мимик мушаклардан олинган глобал электромиограммасида юқори амплитудали (221±3,2 мкВ) ва 15,2±1,1Гц частотали фасцикуляция потенциаллари аниқланган (“частокол” ритми) – бу периферик нейроннинг зарарланиш белгиси. M.frontalis, m.orbicularis oculi, m.orbicularis orisдан ёзиб олинган электронейромиографик маълумотлар прозопарез тарафда М-жавоб амплитудасини соғлом тараф ($p<0,05-0,001$) ва назорат гуруҳига ($p<0,05-0,001$) нисбатан статистик ишонарли пасайганини кўрсатган.

Тадқиқот ўтказилган беморларнинг 51 (24,06%) нафарида қўлнинг периферик монопарези кузатилган – II гуруҳ. Беморларнинг барчаси (51; 100%) бир тарафлама қўлда ҳаракатнинг чегараланиши, қўлнинг озиб кетишига (45; 88,2%), унинг калталанишига (38; 74,5%), қўлида кучининг сустлигига (51;100%), елка бўғимида ҳаракатнинг чегараланиши (33; 64,7%), қўл қафтида ва бармоқларда ҳаракатнинг чегараланиши (25; 49,01%), қўлида оғриққа (23; 45,1%), сезгининг бузилишига (29; 56,9%) шикоят қилганлар. Оралик нервнинг аралаш типдаги зарарланиши 70,59% беморларда, аксонал типдаги зарарланиш 19,61% беморларда ва 9,8% беморларда демиелинизацияланувчи типда зарарланиши кузтилган ($\chi^2=95,8$; $df=2$; $p<0,001$). Худди шу қаторда тирсак нервнинг аралаш типдаги зарарланиши 72,55% да, аксонал типдаги зарарланиш 21,57%да ва демиелинизацияланувчи типдаги зарарланиш 5,88% беморларда кузатилган ($\chi^2=109,4$; $df=2$; $p<0,001$).

III гуруҳни оёқ мононевропатияси бўлган 62 нафар бемор болалар ташкил этган. Зарарланган нервларнинг иннервацияси зонасида тактил, юзаки ва чуқур сезгиларнинг пасайиши (54; 100%), оёқларнинг дистал қисмини қизиб кетиши (18; 33,3%) ёки совуб кетиши (29; 53,7%) кузатилган, оёқнинг қафт соҳасида оғриқлар (гиперпатия) кузатилган, териси мар-марсимон тусга кирган (39; 72,2%), тирноқлар ранги ва уларнинг онихолизиси кузатилган (38; 70,4%). Ўтказилган электронейромиографик тадқиқот натижалари беморларда турли табиатли зарарланишлар мавжудлигини кўрсатди. Ўтиргич нерви зарарланган беморларнинг аксарида ҳам катта болдир (12; 57,1%), ҳам кичик болдир (13; 61,9%) шохчасининг аралаш табиатли зарарланиши устунлик қилган. Аксонал типдаги зарарланиш мос равишда 9 (42,8%) ва 8 (38,1%) нафар беморларда кузатилган, аммо статистик аҳамиятли фарқ аниқланмаган.

Кичик болдир нерви невропатияси билан касалланган беморларда ҳам аралаш табиатли (24; 72,7%) зарарланиши аксонал табиатли (9; 27,3%) зарарланишларга нисбатан устунлик қилган ($\chi^2=5,5$; $df=2$; $p>0,05$). Сон нерви невропатиясида эса ҳам сон нервнинг аралаш (3; 37,5%), ҳам демиелинизацияланувчи (2; 25%), ҳам аксонал (3; 37,5%) табиатли зарарланишлари аниқланган.

3-жадвал

Ўтиргич нерви ва кичик болдир нерви невропатияси бўлган беморларда электронейромиографик кўрсаткичлар

	Ўтиргич нерви невропатияси			
	n.tibialis		n.peroneus	
	М-жавоб, мВ	ИЎТ, м/с	М-жавоб, мВ	ИЎТ, м/с
Аралаш табиатли	3,1±0,4*	32,4±5,1*	2,4±1,1*	29,9±7,4**
Аксонал табиатли	1,57±0,3**	45,6±1,37	1,4±1,3**	44,7±3,2
	Кичик болдир нерви невропатияси			
Аралаш табиатли	5,8±1,8	48,9±2,1	2,9±2,4*	28,7±4,7**
Аксонал табиатли	6,1±2,1	49,1±1,3	1,18±1,1**	38,7±7,8
Назоратгуруҳи	7,4±1,9	51,7±5,5	6,8±2,3	48,8±2,7
	Сон нерви невропатияси			
	М-жавоб, мВ		ИЎТ, м/с	
Аралаш табиатли	3,1±0,4**		32,4±5,1*	
Аксонал табиатли	2,57±0,3**		45,6±7,37	
Демиелинизацияланувчи табиатли	5,4±1,1		31,8±1,4**	
Назоратгуруҳи	6,8±0,7		47,2±3,2	

Изох: назорат гуруҳига нисбатан ўрта қийматлар фарқи $p^* < 0,05$ да, $p^{**} < 0,001$ да статистик аҳамиятли.

IV гуруҳни 47 (22,18%) нафар ўткир полирадикулоневропатия (Гийен-Барре синдроми) ўтказган беморларташқил қилган, касалликнинг этиологияси аутоиммун-параинфекцион табиатли бўлган. INCAT шкаласи бўйича беморларнинг қўллардаги фаолияти ўртача 5,19±0,26 баллни ташқил этган, қўллардаги фаолият 2,29±0,13 балл ва оёқлардаги фаолият 2,89±0,14 баллни ташқил этган. Электронейромиограмма таҳлили қўл нервларининг аралаш табиатли зарарланиши устунлик қилганини кўрсатди, аксонал ва демиелинизацияланувчи зарарланишлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқ аниқланмаган ($p>0,05$), аралаш табиатли зарарланиш билан демиелинизацияланувчи зарарланиш ўртасидаги фарқ статистик аҳамиятли бўлган ($p<0,05-0,001$). Катта болдир нерви ва кичик болдир нервларининг зарарланишларида ҳам аралаш табиатли зарарланиш демиелинизацияланувчи табиатли зарарланишларга қараганда статистик аҳамиятли кўпроқ учраган ($p<0,01-0,005$), аралаш ва аксонал табиатли зарарланишлар ўртасидаги фарқ ҳам статистик аҳамиятли бўлган ($p<0,02-0,001$).

Диссертациянинг “Периферик асаб тизими касалликлари бўлган беморларнинг психо-эмоционал ҳолати ва ҳаёт сифати” деб номланган тўртинчи бобида беморларнинг руҳий-эмоционал ҳолати ва ҳаёт сифати тавсифланган. Периферик прозопарез кузатилган беморлар RCADS-25

шкаласи клиник чегарадаги депрессия ва хавотирликнинг мавжудлигини кўрсатди. Депрессия ва хавотирликнинг касалликнинг House-Brackmann шкаласи билан корреляцияси тўғри кучли корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди – мос равишда $r=0,85$ ($p<0,001$) ва $r=0,73$ ($p<0,001$). RCADS-25 шкаласи бўйича депрессия ва хавотирликнинг оғирлик даражаси ва касаллик давомийлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик мос равишда $0,75$ ($p<0,001$) ва $0,69$ ($p<0,001$) ни ташкил этган. Беморларнинг ёши билан корреляцион боғлиқлик эса мос равишда $0,82$ ($p<0,001$) ва $0,76$ ($p<0,001$) ни ташкил этган. Ёши каттароқ бўлган болаларда депрессия ва хавотирликнинг кўпроқ учраши, уларнинг касаллигига нисбатан муносабатига боғлиқ бўлган. Гуруҳлар ўртасида хавотирлик ва депрессия кўрсаткичлари солиштирилганда юз нерви невропатияси ўтказган беморларда ишонарли равишда ҳам клиник депрессия, ҳам клиник хавотирлик кузатилган беморлар статистик аҳамиятли устунлик қилган ($p<0,001$). Субклиник хавотирлик клиник хавотирликдан фарқли ўлароқ симптомлар қисқа муддатли (2 ҳафтадан қисқа), интенсивлиги суст, ижтимоий ва ситуацион адаптациянинг сақланганлиги билан фарқ қилган. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, депрессия ва хавотирлик белгилари кўпроқ ўсмир ёшдаги беморларда, яъни касалликка нисбатан ўз муносабати ва атрофдаги тенгдошларининг муносабатини акси натижасидир (4-жадвал).

4-жадвал.

Гуруҳлар ўртасида RCADS-25 шкаласи бўйича депрессия ва хавотирликнинг оғирлик даражалари бўйича тақсимланиши

	I гуруҳ n=52	II гуруҳ n=51	III гуруҳ n=62	IV гуруҳ n=47	Жами
Депрессия йўқ	24 (46,2%)	41 (80,4%)	32 (51,6%)	14 (29,8%)	111 (52,4%)
Субклиник депрессия	14 (26,9%)	10 (19,6%)	30 (48,4%)	33 (70,2%)	87 (41%)
Клиник депрессия	14 (26,9%)	-	-	-	14 (6,6%)
	$\chi^2=74,49; df=6; p<0,001$				
Хавотирлик йўқ	20 (38,5%)	37 (72,5%)	30 (48,4%)	17 (36,2%)	104 (49,1%)
Субклиник хавотирлик	20 (38,5%)	9 (17,7%)	32 (51,6%)	30 (63,8%)	91 (42,9%)
Клиник хавотирлик	12 (23%)	5 (9,8%)	-	-	17 (8%)
	$\chi^2=45,88; df=6; p<0,001$				

Хулоса қилиб айтганда беморларда яққол эмоционал-хавотирлик қийинчиликлари, енгил даражада гиперфаоллик ва диққат жамланишини бузилиши ва тенгдошлар билан қийинчиликлар мавжудлиги ҳақида далолат беради.

SDQ шкаласи бўйича гуруҳдаги беморларнинг баллари (Me (Q1;Q3))

SDQ субшкалалари	I гуруҳ n=52	II гуруҳ n=51	III гуруҳ n=62	IV гуруҳ n=47
Эмоционал субшкала	8 (5,25; 8)	8 (3; 8)	8 (8; 8)**	8 (8; 8)**
Хулқ-атвор субшкаласи	4 (2; 4)	2 (2; 3)*	2 (2; 4)**^	4 (2;4)^##
Гиперфаоллик/диққат нинг сусайиши	5 (3; 5)	3 (2; 3)*	3 (3; 5)**	5 (3; 5)^#
Тенгдошлар билан муносабатлар	6 (4; 6)	6 (4; 7)***	7 (6; 7)^	7 (6; 7)*
Умумий балл	22 (14; 23)	20 (11; 22)	20,5 (20; 23)^	23 (20; 24)**^##
Просоциал шкала	6 (6; 8)	6 (5; 8)**	6 (5; 6)*	6 (5; 6)*
Экстернализацияло вчи шкала	9 (5,25; 9)	5 (4; 8)*	5,5 (5; 9)**	9 (5;9)^#
Интернализациялов чи шкала	14 (9; 14)	14 (7; 15)	15 (14; 15)*	15 (12; 15)*

Изоҳ: гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик аҳамиятли Р кўрсаткичларида – I гуруҳга нисбатан: * - <0,001; ** - <0,02; *** - < 0,05; II гуруҳга нисбатан: : ^ - <0,001; ^^ - < 0,05; III гуруҳга нисбатан: : # - <0,002; ## - <0,01.

I гуруҳ беморларида SDQ натижалари болада интернализациялашган эмоционал бузилишлар етакчи эканини, шунингдек гиперактивлик ва ижтимоий мослашувда клиник аҳамиятли муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Хулқ-атвор соҳасидаги бузилишлар чегаравий характерга эга бўлган. Умумий қийинчиликлар даражаси клиник аҳамиятли деб ҳисобланди. II гуруҳ беморларида SDQ натижалари болада интернализациялашган эмоционал бузилишлар устунлиги, шунингдек ижтимоий мослашув соҳасида клиник аҳамиятли қийинчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Сақланган просоциал ресурслар коррекцион-реабилитацион ишларда ижобий прогностик аҳамиятга эга бўлиши мумкин. III гуруҳ беморларида SDQ сўровномаси натижалари бу гуруҳ беморларида интернализациялашган эмоционал қийинчиликлар устун эканини, айниқса тенгдошлар билан муносабатлар соҳасида сезиларли клиник муаммолар мавжудлигини кўрсатади. SDQ натижалари интернализациялашган эмоционал бузилишлар устунлиги, шунингдек тенгдошлар билан муносабатлар соҳасида клиник аҳамиятли қийинчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Сақланган просоциал ресурслар ижобий прогноз омили ҳисобланади. IV гуруҳ беморларида SDQ сўровномаси натижалари интернализациялашган эмоционал қийинчиликлар устунлиги, шунингдек тенгдошлар билан муносабатлар ва диққат-гиперфаоллик соҳаларида клиник аҳамиятли муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Ташқи хулқ-атвор бузилишлари чегаравий даражада ифодаланган. SDQ натижалари беморларда интернализациялашган эмоционал бузилишлар устунлиги, шунингдек тенгдошлар билан муносабатлар ва диққат-гиперфаоллик соҳаларида клиник аҳамиятли қийинчиликлар мавжудлигини кўрсатади.

Экстернализацияловчи симптомлар чегаравий характерга эга. Сақланган просоциал ресурслар ижобий прогностик аҳамиятга эга. Интернализацияловчи симптомлар устун бўлган ҳолларда эмоционал қўллаб-қувватлаш ва хавотир-депрессив ҳолатларни коррекция қилиш устувор аҳамият касб этса, экстернализацияловчи симптомлар устун бўлган ҳолларда хулқ-атворни назорат қилиш ва импульсивликни камайтиришга қаратилган ёндашувлар мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Периферик асаб тизими касалликларини комплекс реабилитацияси ва унинг самарадорлигининг таҳлили”** деб номланган бешинчи бобида беморларнинг таклиф этилган дастур бўйича ўтказилган реабилитация натижалари таҳлил қилинган. Реабилитация чоралари нафақат касаллик туфайли юзага келган беморни функционал каоматини камайтиришга, балки беморни ижтимоий интеграциясини яхшилаш, ҳаёт сифатини оширишга қаратилган. Ҳар бир беморнинг муаммосини ҳар томонлама ойдинлаштириш ва реабилитация чораларини индивидуал танлаш мақсадида боланинг индивидуал фаолияти профили **“Халқаро фаолият, ҳаракатланиш чекловлари ва соғлиқ классификацияси”** (ICF-CY - International Classification of Functioning, Disability and Health for Children and Youth) асосида баҳоланди. Баҳолаш тўртта асосий компонент бўйича амалга оширилди: организм функциялари (b), тана тузилмалари (s), фаолият ва иштирок (d), атроф-муҳит омиллари (e).

Тадқиқотга киритилган беморларга медикаментоз терапия тайинланган, даволашда урғу физиотерапевтик муолажалар (интерференцион тоқлар, озокерит терапия ва парафин ва лой аппликациялари, кальций ва йод билан, прозерин, витамин В1, витамин В12, новокаин, диабазол билан электрофорез, гидрокортизон билан фонофорез) ва даволаш физкультурасига берилган, игнарефлексотерапия ўтказилди. Юз мушаклари парези юзага келгандан бошлаб 6 ойдан ошган 10 ёшдан катта болаларга контрактура ривожланган мушакларга, ЭНМГ хулосаси бўйича гиперфаол мушакларга ботулотоксин юборилди. Ботулотоксин А дозаси боланинг ёши ва мушакларга боғлиқ ҳолда 0,5Б дан 1,5Б гача танланди. Юз мушаклари парези беморнинг нутқиға таъсир қилган ҳолда логопед билан машғулотлар ўтказилди. Руҳий-эмоционал статусида ўзгаришлари бор пациентлар билан психотерапия амалга оширилди. Даволаш натижасида динамикада юз асимметрияси 28 (53,8%) беморларда сақланиб қолган бўлса-да ($\chi^2=31,2$ $p<0,001$), метрик шкала бўйича юз асимметрияси дастлабки кўрсаткичларга нисбатан мос равишда ($p<0,05-0,001$) статистик аҳамиятли фарқ қилган. Беморларда мимик мушакларнинг миоклонияси даволаш натижасида йўқолган. Пальпацияда ипсилатерал тарафда мимик мушакларнинг таранглиги камайган, ва оғриқ йўқолган. House-Brackmann шкаласи бўйича енгил дисфункцияли беморларнинг сони эса реабилитация чораларидан кейин ортган ($\chi^2=52,4$ $df=5$ $p<0,001$). Yanagihara-system шкаласи бўйича ҳам мимик мушакларнинг ҳаракати динамикада статистик аҳамиятли яхшилангани кузатилган ($p<0,001$). Динамикада беморларда икки тарафлама пешона, кўзни айланма мушаги ва оғизнинг айланма мушакларидан электромиограмма қайта ёзиб олинди (6-жадвал).

6-жадвал

Беморларда ва назорат гуруҳида мимик мушакларнинг биоэлектрик фаоллиги

		M.frontalis, мкВ	M.orbicularis oculi, мкВ	M.orbicularis oris, мкВ
Парез тараф	аввал	16,4±0,9 ^{^^}	19,5±1,5 [^]	18,5±1,7 [^]
	кейин	21,1±1,1 [#]	25,7±0,7 [#]	24,8±0,2 [#]
Соғлом тараф	аввал	26,4±1,9 [*]	29,1± 1,1 ^{**}	27,5±1,1 [*]
	кейин	23,1±2,3	25,4±1,8	23,7±1,5
Назорат гуруҳи		22,8±1,2	26,1±0,9	24,2±1,2

Изоҳ: парез ва соғлом тарафдаги фарқ Р қийматларида статистик ишонарли: <* - 0,05; ** - 0,005; назорат гуруҳи ва парез тарафдаги фарқ [^] - 0,05; ^{^^} - 0,005; парез тарафда реабилитациядан аввал ва кейинги кўрсаткичлар фарқи [#]-0,05.

Реабилитациядан кейин m.frontalis, m.orbicularis oculi, m.orbicularis oris дан ёзиб олинган электронейромиографик маълумотлар прозопарез тарафда М-жавоб амплитудасини реабилитациядан аввалги кўрсаткичлар нисбатан статистик аҳамиятли фарқи аниқланган (p<0,001).

7-жадвал

Юз нервдан электронейромиографик кўрсаткичлари

ЭНМГ параметрлари	Юз тарафи	Реабилитациядан	M.frontalis	M.orbicularis oculi	M.orbicularis oris
М-жавоб амплитудаси, мВ	Парез тараф	аввал	1,8±0,04 ^{^^}	1,6±0,07 ^{^^}	1,5±0,08 [^]
		кейин	2,7±0,08 ^{**}	3,1±0,4 ^{**}	2,9±0,1 ^{**}
	Соғлом тараф	аввал	3,7±0,9 [*]	3,9±0,8 ^{**}	3,3±0,5 ^{**}
		кейин	3,6±1,1	3,75±0,09	3,8±1,2
	Назорат гуруҳи		3,8±0,7	4,1±0,9	3,95±1,1
ИЎТ, м/с	Парез тараф	аввал	38,4±0,4 ^{^^}	41,1±0,9 [^]	42,3±0,3 ^{^^}
		кейин	48,2±2,4 ^{**}	49,1±1,9 ^{**}	50,4±1,4 ^{**}
	Соғлом тараф	аввал	50,4±0,05 ^{**}	51,4±0,1 ^{**}	52,4±0,7 ^{**}
		кейин	50,7±1,1	50,8±1,7	51,8±2,1
	Назорат гуруҳи		51,4±1,5	52,3±1,9	50,9±0,84
М-жавобнинг латентлиги, мс	Парез тараф	аввал	4,8±0,07 ^{^^}	4,5±0,01 ^{^^}	4,7±0,7 ^{^^}
		кейин	3,6±0,4 ^{**}	3,4±0,3 ^{**}	2,9±0,1 [*]
	Соғлом тараф	аввал	2,4±0,9 ^{**}	2,9±0,11 ^{**}	1,9±0,9 [*]
		кейин	2,3±0,4	2,7±0,4	2,5±0,7
	Назорат гуруҳи		2,3±0,02	2,1±0,9	2,8±0,1

Изоҳ: парез ва соғлом тарафдаги фарқ Р қийматларида статистик ишонарли: < * - 0,05; ** - 0,001; назорат гуруҳи ва парез тарафдаги фарқ [^] - 0,05; ^{^^} - 0,001.

Беморларга реабилитация чораларини яхшилаш учун “Aktiv-plex” (16.10.2025й, гувоҳнома №009346), “Aktiv+” (16.10.2025й, гувоҳнома №009347), “Aktiv-LFK” (16.10.2025й, гувоҳнома №009348), “Болалар тиббий

массажи асослари” ўқув қўлланмаси (16.10.2025й, гувоҳнома №009349) ишлаб чиқилди, ва реабилитация комплексини амалга оширишда фаол қўлланилди. Реабилитациядан кейин электрофизиологик мусбат динамика бошланғич кўрсаткичларга нисбатан ҳамма тадқиқот ўтказилган аралаш типда зарарланган нервларда кузатилган бўлса-да, фақат n.axillaris бўйича ҳам М-жавоб ($P<0,001$), ҳам импульс ўтиш тезлиги ($P<0,01$) бўйича ўзгаришлар кузатилган. Шу билан бирга назорат гуруҳи билан текширилган нервлар бўйича статистик аҳамиятли фарқ аниқланган ($P<0,05-0,001$). Аралаш ва аксонал типдаги зарарланишлар кузатилган беморларда ЭНМГ-коэффициент ҳисобланди (8-жадвал). Нервларнинг аксонал ва аралаш табиатли зарарланишларида ЭНМГ-коэффициентни ҳисоблаш орқали тикланиш жараёнини адекват реабилитация чораларини амалга оширган ҳолда прогнозлаш мумкин бўлади.

8-жадвал.

Нервнинг аксонал ва аралаш тип зарарланишлари бўлган беморларда ЭНМГ-коэффициент (%)

	Аралаш тип		Аксонал тип	
	Реаб-циядан аввал	Реаб-циядан кейин	Реаб-циядан аввал	Реаб-циядан кейин
n.axillaris	35,06±1,37	67,7±3,17*	32±1,04	54,5±2,2*
n.musculocutaneus	36,08±1,19	58,19±1,8*	33,4±1,18	48,8±1,49*
n.radialis	33,2±1,17	50,88±1,6*	20,19±1,03	36,3±1,2*
n.medianus	33,8±1,12	50,2±1,67*	32,4±1,18	49,7±1,87*
n.ulnaris	36,49±1,3	49,1±1,6*	40,02±1,39	57,57±1,91*

Изоҳ: реабилитациядан аввал ва кейинги кўрсаткичларнинг фарқи Р кўрсаткичида статистик аҳамиятли: * - $< 0,001$ (Стьюдентнинг жуфт критерийси).

Оёқ моноевропатияси кузатилган 62 нафар бемор болаларга комплекс равишда реабилитация ўтказилган. Динамикада ўтказилган электронейромиографик тадқиқот натижалари катта ва кичик болдир нерви бўйлаб электрофизиологик кўрсаткичларнинг ижобий тарафга ўзгарганини кўрсатди. Демак, демиелинизацияланувчи табиатли зарарланишлар динамикада бошқа табиатли зарарланишларга қараганда статистик аҳамиятли ижобий натижаларни кўрсатган. М-жавоб амплитудаси коэффициенти “40-60%” зарарланишли беморларда кўпроқ ўсиш кўрсатган, яъни зарарланиш даражаси қанчалик оғир бўлса, нервнинг тикланиши жадаллиги шунчалик секин бўлади.

Диссертациянинг “Психо-эмоционал бузилишлари бўлган беморлар реабилитацияси натижаси ва уларнинг ҳаёт сифати” деб номланган VI бобида ўтказилган реабилитация тадбирларининг натижаси таҳлил қилинган. Тадқиқот гуруҳларида беморларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини комплекс реабилитация чораларидан сўнг динамикада баҳоланди. Периферик прозопарез ўтказган беморлар RCADS-25 шкаласида депрессия бўйича реабилитациягача ва реабилитациядан кейинги кўрсаткичлар ўрта қийматлари

фарқи статистик аҳамиятли бўлган ($p < 0,001$). Юқориги монопарез, оёқ мононевропатияси ва полиневропатия кузатилган беморларда RCADS-25 шкаласи бўйича реабилитациягача ва реабилитациядан кейинги депрессия ва хавотирлик кўрсаткичлари бошланғич кўрсаткичларга нисбатан статистик аҳамиятли бўлган ($p < 0,001$). Умумий кўрсаткичлар ҳам бошланғич рақамларга нисбатан статистик аҳамиятли фарқ қилган ($p < 0,001$).

Беморларда SDQ шкаласи натижаларини таҳлили динамикада турли тадқиқот гуруҳларида турлича динамика мавжудлигини кўрсатди. Реабилитация дастури интернализацияловчи бузилишларни (ташвиш, депрессия) коррекция қилишда ҳам, шунингдек просоциал кўникмаларни (эмпатия, ҳамкорлик) ривожлантиришда ҳам юқори самарадорликни намоён этади. Энг мақбул прогноз қўл периферик моноплегияси ва пастки мононевропатия ўтказган беморларда кузатилди, уларда аксарият кўрсаткичлар меъёрлашди. Полиневропатия ўтказган беморлар хавф гуруҳини ташкил қилиб, уларда умумий қийинчиликлар, эмоционал бузилишлар ва гиперактивлик даражаси нисбатан юқори сақланиб қолди, бироқ просоциал кўникмаларда ҳам ижобий ўзгаришлар қайд этилди. Просоциал шкала бўйича балларнинг ошиши жисмоний ҳолатнинг яхшиланиши болаларнинг ижтимоий фаоллашувига, ўз-ўзига ишончининг ортишига ва атрофдагилар билан ўзаро ҳамкорликка тайёрлигининг кучайишига хизмат қилишини кўрсатади. Ҳаёт сифатининг мониторинги – олиб борилаётган терапия ва реабилитациянинг самарадорлигининг клиник белгилар билан бирга стандарт мезони ҳисобланади, унинг хавфи ва натижаларини баҳолаш имконини туғдиради. PedsQL 4.0 Generic Core Scales бўйича ҳамма гуруҳ беморларида барча субшкалалар бўйича назорат гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли паст эканлигини кўрсатган ($p < 0,001$). I гуруҳ энг яхши профилга эга бўлиб, бу беморларда энг яхши кўрсаткич эмоционал доирада бўлган, бу шу гуруҳ пациентларда хавотирликнинг сусайиши ва руҳий адаптациянинг яхшиланишига боғлиқ бўлган. II гуруҳ беморларида барча субшкалалари бўйича бошланғич рақамларга нисбатан статистик аҳамиятли ортган ($p < 0,001$), шу билан бирга назорат гуруҳи кўрсаткичларига етиб бормаган. Бу гуруҳ беморларида жисмоний ва мактаб фаолиятининг бошқа гуруҳларга нисбатан статистик аҳамиятли юқорироқ ортгани аниқланди ($p < 0,001$). Реабилитациядан сўнг мактаб фаолияти бўйича назорат гуруҳи билан фарқи камайган ($p < 0,05$), бу самарали ижтимоий адаптациянинг муҳим клиник маркери ҳисобланади. III гуруҳ беморларида бошланғич рақамлар I ва II гуруҳга нисбатан паст бўлган, динамикада бу гуруҳда эмоционал шкала бўйича ўсиш бошқа субшкалаларга нисбатан юқори бўлган (+25 балл), бу психологик реабилитациянинг ижобий самарасидан далолат беради. Шу билан бирга жисмоний фаолият бўйича кўрсаткичлар бўйича бирмунча паст бўлган. IV гуруҳ беморларида ҳамма субшкалалар бўйича ўсиш бўлса ҳам, бошқа гуруҳларга нисбатан статистик аҳамиятли паст рақамларда қолган ($p < 0,05-0,001$). Эмоционал фаолият бўйича бошланғич кўрсаткичлар қанчалик паст бўлса, кейинчалик уларнинг ўсиши нисбатан юқори бўлган, бу реабилитациянинг психологик компоненти самарадорлигидан далолат беради.

Ижтимоий фаолият бўйича энг паст динамика кузатилган, бу ижтимоий адаптация учун узоқроқ муддат талаб қилиниши ва реабилитацион дастурнинг нозик тарафларини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

1. Периферик асаб тизими касалликлари (ПАТК) асосан экзоген-конституционал омиллар таъсирида шаклланувчи орттирилган патологиялар ҳисобланади. Уларнинг этиологик тузилмасида инфекцион агентлар (42,5%), перинатал зарарланишлар (37,7%), туғруқ травмалари (19,3%) ва ривожланиш нуқсонлари (0,5%) етакчи ўрин тутди. Клиник-неврологик мониторинг натижалари ПАТКли болаларда симптоматик манзаранинг этиопатогенетик вариантларга боғлиқ ҳолда полиморф характерга эга эканлиги, касалликнинг давомийлиги ва функционал бузилишлар оғирлик даражаси ўртасида статистик аҳамиятли корреляцион боғлиқликлар аниқланди ($p<0,05-0,001$).

2. Электронеуромиографик текширув натижалари прозопарез тарафда мимик мушакларининг биоэлектрик фаоллиги (БЭФ) ва М-жавоб амплитудасининг соғлом тараф ва назорат гуруҳига нисбатан статистик ишонарли пасайганини кўрсатди ($p<0,05-0,001$).

3. Периферик қўл монопарезида қўл нервлари ва оёқ монокневропатиясида оёқдаги нервларнинг зарарланиши асосан аралаш (60,78-74,51%) ва аксонал (15,69-21,57%) типлари устунлик қилган ($p<0,05-0,001$), полирадикулоневропатия ўтказган беморларда электронеуромиографик тадқиқот нервлар зарарланишининг аралаш, аксонал ва демиелинизацияланувчи типлари мавжудлигини кўрсатди ($p<0,02-0,001$) ва ЭНМГ-коэффициенти кўрсаткичининг реабилитацион потенциални объектив прогностлашда аҳамиятли эканлигини кўрсатди.

4. PedsQL 4.0 сўровномаси асосида ҳаёт сифатини баҳолаш дастлабки кўрсаткичларга нисбатан барча доменларда (жисмоний, эмоционал, ижтимоий ва мактаб фаолияти) ишончли яхшиланишни аниқлади ($p<0,001$). Энг катта мутлақ ўсиш эмоционал соҳада кузатилди, айниқса реабилитацион потенциали дастлаб паст бўлган беморларда (III ва IV гуруҳлар), якуний кўрсаткичлар эса соғлом тенгдошлар даражасига статистик жиҳатдан етмади ($p<0,001$), ва узайтирилган, дифференциялаштирилган реабилитация машғулотларига эҳтиёж мавжудлигини кўрсатди.

5. ПАТКлари билан касалланган беморларда психозэмоционал бузилишлар, жумладан хавотир-депрессив спектрдаги ўзгаришлар, айниқса, юз нерви невропатияси ўтказган беморларда ($p<0,001$) кенг тарқалганлигини кўрсатди. Бу ўзгаришлар беморнинг ёши ($p<0,001$), касалликнинг давомийлиги ($p<0,001$), периферик парезнинг оғирлик даражаси ($p<0,001$) билан корреляцион боғлиқ бўлиб статистик аҳамиятли самарадорликни намоён қилди ($p<0,001$).

6. Реабилитация чоралари натижасида беморларнинг ҳаёт сифати дастлабки кўрсаткичларга нисбатан барча доменларда (жисмоний, эмоционал, ижтимоий ва мактаб фаолияти) ишончли яхшиланишини аниқлади ва энг катта

мутлак ўсиш эмоционал соҳада кузатилди ($p < 0,001$). Психоэмоционал статус кўрсаткичлари билан неврологик камомат даражаси ўртасида ишончли ўзаро боғлиқликлар аниқланди. Хавотир-депрессив симптомларнинг House–Brackmann ва INCAT шкалалари бўйича шикастланиш оғирлиги билан тўғридан-тўғри корреляцияси ($r = 0,447-0,95$; $p < 0,001$) ҳамда Yanagihara ва MRC функция тикланиш шкалалари билан тескари корреляцияси ($r = -0,5-0,82$; $p < 0,001$) қайд этилди. Бу интернализацияловчи бузилишларнинг (хавотир, депрессия) органик асосга эга эканлигини тасдиқлайди ҳамда неврологик ва психологик статусни параллел баҳолаш зарурлигини асослайди.

7. SDQ шкаласи натижалари умумий қийинчиликлар индекси клиник диапазонда жойлашгани, болаларда психоэмоционал ҳолатнинг барқарор бузилишига ишора қилади. Субшкалалар таҳлили эмоционал симптомлар ($p < 0,001$) ҳамда тенгдошлар билан муносабатлар ($p < 0,001$) соҳасидаги қийинчиликлар устун эканини аниқлади. Ушбу кўрсаткичлар интернализацияловчи бузилишларнинг етакчи характерга эга эканини кўрсатиб, хавотирлик, ички зўриқиш ва ижтимоий чекланиш тенденцияларини акс эттиради. Динамик таҳлил астеник, хавотирли ва адаптацион бузилишлар частотасининг ишончли камайиши аниқланди ($\chi^2 = 7,83-101,3$; $p < 0,001$).

8. Интернализацияловчи кўрсаткичлар даражасининг юқорилиги SDQ натижаларини PedsQL ($p < 0,001$) ва RCADS-25 ($p < 0,001$) маълумотлари билан таққослашда ҳаёт сифати пасайиши ва хавотир-депрессив симптомлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлишини тасдиқлади. Олинган натижалар периферик асаб тизими касалликлари ўтказган беморларни юритишнинг стандарт алгоритмларига психоэмоционал ҳолат ва ҳаёт сифатига қаратилган скрининг асбобларини (RCADS-25, SDQ, PedsQL 4.0) мажбурий жорий этиш мақсадга мувофиқлигини асослайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/2025.27.12.Tib.11.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ЦЕНТРЕ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

ИСМАИЛОВ ЗОХИДЖОН НУРМАНОВИЧ

**КОМПЛЕКСНАЯ РЕАБИЛИТАЦИЯ ДЕТЕЙ С ПАТОЛОГИЕЙ
ПЕРИФЕРИЧЕСКОЙ НЕРВНОЙ СИСТЕМЫ**

14.00.13 – Неврология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2026

Тема диссертации доктора медицинских наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2023.2.DSc/Tib853.

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tipme.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Мирджураев Элбек Миршавкатович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Саидазизова Шахло Хибзиддиновна
доктор медицинских наук, доцент

Раимова Малика Мухамеджановна
доктор медицинских наук, профессор

Дьяконова Елена Николаевна
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Ведущая организация:

**Ульяновский государственный
университет Российской Федерации**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2026 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.06/2025.27.12.30.12.Tib.11.01 при Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников (Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./Факс: (+99871) 268–17–44, e-mail: info@tipme.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./Факс: (+99871) 268–17–44.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2026 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2026 года).

Ф.И.Хамрабаева

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Н.Убайдуллаева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Н.А.Аликулова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Реабилитация пациентов с двигательными нарушениями является одной из наиболее актуальных проблем современной медицины, поскольку она оказывает существенное негативное влияние на качество жизни пациентов, а двигательная патология считается основной причиной инвалидности. В последние годы возрастает частота двигательных нарушений, возникающих вследствие поражений нервной системы в детском возрасте, при этом заболевания периферической нервной системы (ПНС) вносят значительный вклад в формирование тяжелых двигательных нарушений. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «на 100 000 человек общего населения они составляют от 2400 до 7000 пациентов (в зависимости от региона), а по мере взросления пациентов этот показатель достигает 8000 человек»¹. Заболевания периферической нервной системы в детском возрасте включают как приобретенные, так и наследственные болезни, и они могут приводить к двигательным нарушениям от легких изменений до грубых расстройств, что причинно обуславливает рост показателей инвалидности и экономические потери.

В мировом масштабе ведутся многоплановые экспериментальные и клинические научные исследования, направленные на совершенствование своевременной диагностики, терапии и реабилитационных мероприятий при заболеваниях периферической нервной системы (ЗПНС) различной этиологии. В связи с этим актуальной задачей является современный подход к раннему выявлению и дифференциальной диагностике осложнений при заболеваниях периферической нервной системы в детском возрасте, диагностика патогенетических механизмов развития неврологических осложнений, патоморфологических изменений и нейротоксических осложнений на основе цитогенетического и молекулярно-генетического анализа, а также раннее предотвращение возможных осложнений у пациентов и разработка реабилитационных мероприятий. Особое значение приобретают такие задачи, как совершенствование подходов к ранней диагностике, дифференциальной диагностике и реабилитации на основе определения клинических и патогенетических аспектов осложнений заболеваний периферической нервной системы в детском возрасте.

В нашей стране осуществляются широкомасштабные и целенаправленные меры по коренному улучшению качества и значительному расширению масштабов медицинских услуг, оказываемых населению. В этом контексте, в соответствии с семью приоритетными направлениями Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы, в целях вывода уровня медицинского обслуживания населения на новый этап определены такие задачи, как «...повышение качества оказания квалифицированной медицинской помощи населению в системе первичной медико-санитарной

¹ Отчет ВОЗ, 2019.

помощи»². Исходя из этих задач, это способствует выводу уровня оказания медицинской помощи детям на новый этап, реализации мероприятий, направленных на раннее выявление заболеваний периферической нервной системы у детей и профилактику их осложнений, снижению показателей инвалидности, повышению уровня качества жизни, а также разработке комплексной реабилитации с учетом функционального состояния нейромоторной и психоэмоциональной систем пациентов.

Настоящее диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, установленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы», от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 7 декабря 2018 года № УП-5590 «О комплексных мерах по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», а также в постановлениях Президента Республики Узбекистан от 30 августа 2018 года № ПП-3925 «О мерах по совершенствованию оказания неврологической помощи населению», от 25 мая 2021 года № ПП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» и других нормативно-правовых актах, регулирующих данную сферу деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением VI «Медицина и фармакология» Программы развития науки и технологий Республики Узбекистан.

Обзор международных научных исследований по теме диссертации³.

Научные исследования, направленные на оптимизацию вопросов комплексной реабилитации детей с патологией периферической нервной системы, ведутся в ряде ведущих мировых научных центров и высших учебных заведений, в том числе: Johns Hopkins Hospital – Peripheral Nerve Center (США); Boston Children’s Hospital (США); Texas Children’s Hospital (США); Cincinnati Children’s Hospital Medical Center (США); University of Texas Medical Branch (США); SickKids - The Hospital for Sick Children (Канада); University of Vermont, Burlington (США); RWTH Aachen University Hospital (Германия); Institute of Child Health (Великобритания); Rigshospitalet (Дания); Hospital Sant Joan de Déu Barcelona (Испания); Osaka Women's and Children's Hospital (Япония); Санкт-Петербургский государственный педиатрический медицинский университет (Россия); Национальный детский медицинский центр (Узбекистан).

Научные исследования по комплексной реабилитации детей с патологией периферической нервной системы: доказано, что помимо отдельных

²Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы».

³ Обзор международных научных исследований по теме диссертации осуществлен на основе источников: www.stjude.org; www.dana-farber.org; www.mcw.edu; www.ufl.edu; www.harvard.edu; www.uvm.edu; www.charite.de; www.ucl.ac.uk/child-health; www.rigshospitalet.dk; www.fnkc.ru; www.bmtm.uz; www.bgokim.uz и других ресурсов

наследственных моторно-сенсорных нейропатий, поражение периферических нервов может выявляться и при сложных нейрометаболических и нейродегенеративных заболеваниях, проявляющихся преимущественно симптомами поражения центральной нервной системы; при этом оптимизированы подходы к диагностике, хирургии и реабилитации травм периферических нервов и плечевого сплетения (Johns Hopkins Hospital – Peripheral Nerve Center, Флорида); при синдроме Гийен-Барре, хронической воспалительной демиелинизирующей полинейропатии и других воспалительных радикулопатиях выявлено утолщение и контрастное усиление спинного мозга на МРТ, а также предложен алгоритм реабилитации, VR (виртуальной реальности) и роботизированной терапии при периферических нейропатиях и нейромышечных заболеваниях у детей (Boston Children's Hospital, США); установлено, что нарушения обмена витаминов также могут быть причиной нейропатии: оценены уровни витамина D (Ca, P, паратгормон), витаминов E, K, фолиевой кислоты, B12, B6 в сыворотке крови, и доказано, что именно избыток (повышение уровня) B6 может приводить к нейропатии, а также предложены ранняя оценка ОВРР (острых вялых спинальных параличей) и мультидисциплинарная реабилитация (Hospital Sant Joan de Déu, Испания); доказано, что нейромышечная патология, то есть поражение определенных анатомических структур нервно-мышечного аппарата, может быть как врожденной, так и приобретенной (King George Medical University, Индия); в другом исследовании показано, что данные электромиографии (ЭМГ) имеют важное значение при определении тактики немедикаментозного лечения периферической нейропатии, с их помощью установлены тип поражения периферических нервов (аксональный, демиелинизирующий, смешанный) и вегетативный статус пациента (St. Jude Children's Research Hospital, США); доказано, что применение торфота, биоседа, гумизола, витаминов B1 и B6 с целью улучшения метаболизма нервно-мышечной ткани приводит к улучшению исходов заболевания (Charité University Hospital, Германия); исследование с участием 145 детей указывает на то, что снижение интенсивности боли уменьшает страх перед ней, что, в свою очередь, снижает уровень депрессии и повышает активность пораженной конечности; это указывает на необходимость проведения как физической, так и психозмоциональной реабилитации у детей (Institute of Child Health, Великобритания); в научных изысканиях подтверждена эффективность долгосрочных программ реабилитации, которые должны начинаться как можно раньше по возможности на догоспитальном или раннем стационарном этапе, с последующим продолжением в амбулаторных, санаторных и домашних условиях, что продемонстрировало улучшение двигательных, когнитивных и социальных навыков (Санкт-Петербургский государственный педиатрический медицинский университет, Россия); установлено, что оптимизация лечения у детей с острым лейкозом способствует снижению летальности, профилактике инфекционных осложнений и уменьшению уровня инвалидизации (Республиканский специализированный научно-

практический медицинский центр детской онкологии, гематологии и иммунологии, Узбекистан).

На сегодняшний день в мировом масштабе ведутся научные исследования по комплексной реабилитации детей с патологией периферической нервной системы, в том числе по следующим приоритетным направлениям: совершенствование комплексной реабилитации заболеваний периферической нервной системы у детей с учетом функционального состояния их нейромоторной и психоэмоциональной систем, а также оценка функционального и неврологического статуса, психоэмоциональной стабильности и разработка подходов к социально-образовательной интеграции детей в постреабилитационном периоде.

Степень разработанности проблемы. В настоящее время значительное внимание уделяется этиологическим факторам заболеваний периферической нервной системы (ПНС), патофизиологическим механизмам, играющим ключевую роль в их развитии, а также вопросам профилактики, лечения и реабилитации. Патология ПНС требует мультидисциплинарного подхода, интегрирующего нейрофизиологический, биохимический, иммунологический, микрохирургический, ортопедический, нейрохирургический и генетический аспекты. Развитие науки и техники обуславливает необходимость разработки и внедрения новых методов диагностики, лечения и реабилитации. Ряд научных исследований посвящен изучению этиологических и патогенетических факторов, вызывающих поражения ПНС различной локализации, в том числе туннельных нейропатий (В.Ф.Росио, 2016; А.А.Скоромец, 2015), травматических нейропатий и плексопатий, развивающихся вследствие повреждений (А.Н. Белова, 2018; J.G. McNHugh, 2019; К.Т. Brizzi, J.L. Lyons, 2014), нейропатий при метаболических заболеваниях (F. Cameron, 2019; R. Migita, 2019; G. Akinci, M.G. Savelieff, 2021), наследственных и спорадических нейропатий на основе митохондриальной дисфункции (P.F. Chinnery, 2020; G. Hudson, 2019), нейропатий при инфекционных заболеваниях (М.М. Одинак, 2009; J.E. Lin, A. Asfour, 2021; P. Brand, C.P. Cejas, A.D. Rivero, 2022), а также нейропатий, обусловленных воздействием токсических веществ и некоторых лекарственных препаратов. Расширяются диагностические возможности: наряду с клиническим обследованием и классическим электронеурофизиологическим методом – электронеуромиографией (Е.Н. Селянина, 2001), продолжаются исследования по применению ультразвуковой диагностики (J.J.R. Jozef, M.A. DiPietro, 2014; M.Z. Kreyg et al., 2013; V. Upadhyaya, H.N. Choudur, 2021; Э.Ю. Малецкий, 2017) и магнитно-резонансной томографии (Alba Sulaj, 2022), периферической магнитной стимуляции (Groppa et al., 2012; Lefaucheur et al., 2014; Matsumoto et al., 2013) в диагностических целях. Гетерогенность этиологии и патогенетических механизмов нейропатий обуславливает необходимость дифференцированного подхода к их лечению и реабилитации. В связи с этим проведение научных исследований, направленных на совершенствование лечебно-

реабилитационных мероприятий с учетом этиологии и патогенетических особенностей заболеваний ПНС, имеет важное значение.

Связь исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Центра развития профессиональной квалификации медицинских работников в рамках научного направления «Патогенетические особенности сосудистых, воспалительных, дегенеративных и наследственных нервно-мышечных заболеваний при болезнях нервной системы» (2020–2023 гг.).

Цель исследования заключается в разработке предложений и рекомендаций по совершенствованию комплексной реабилитации заболеваний периферической нервной системы у детей с учетом функционального состояния их нейромоторной и психоэмоциональной систем.

Задачи исследования состоят в следующем:

комплексная оценка функционального состояния нейромоторной системы у детей с заболеваниями периферической нервной системы в зависимости от этиологических факторов заболевания с использованием клинико-неврологических, антропометрических и электронейромиографических методов;

